“ҚУЛОҚ”ҚА ТОРТИШ ВА ҚАТАҒОН ҚИЛИШ ФОЖИАЛАРИГА ДОИР (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Р.Шамсутдинов, Э.Холмирзаев

Мақолада архив ҳужжатларига таянган ҳолда қулоққа тортиш кампаниясида Самарқанд вилояти бўйича қатағон қилинганлар ҳақидаги янги маълумотлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *коллективлаштириш, колхоз, қулоқ, сургун, депортация, ОГПУ, ГПУ, «Учлик», ГУЛАГ, Ўрта Осиё бюроси.*

В статье на основе архивных документов анализируются новые сведения о жертвах кампании раскулачивания и репрессии в Самаркандской области.

Ключевые слова: *коллективизация, колхоз, кулак, ссылка, депортация, ОГПУ, ГПУ, «Тройка», ГУЛАГ, Среднеазиатское бюро*

On the basis of archive materials the article shows the fate of the people who were repressed in the province of Samarkand during the company of qulaking.

Key words: *Untrue, the house of political prisoners, the matter of crime codex of UzSSR № 66, district police’s office, concentration camp, member of collective farm.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқида Ислом Каримов мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, халқимиз қанча азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз кераклиги, “Пахта иши” деган уйдирма ва бўҳтонлар, Марказдан юборилган, ўзини “десантчилар” деб атаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва ғурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорлари ҳақидаги бор ҳақиқатни тўла очиб бериш лозимлигини таъкидлаб, тарихчиларимиз, адибларимиз бу ҳақда кам ёзаётганини афсус билан кўрсатиб ўтди [1]. Бундай қараш Ўзбекистонда совет режими томонидан амалга оширилган коллективлаштириш ва унинг асосида ўзбек деҳқонларига мудҳиш “қулоқ” тамғасини ёпиштириб қатағон қилингани, ўн минглаб, юз минглаб қишлоқ аҳолисининг хонавайрон қилингани, уларнинг бир қисмининг отувга ҳукм қилингани, бир қисмининг концлагер қамоқхоналарига ташлангани, яна бир қисмининг узоқ, бегона юртларга сургун қилингани, бу сиёсат туфайли бутун мамлакатда юз берган очарчилик, қаҳатчилик фожиалари масаласига ҳам бевосита даҳлдордир.

Ушбу мақолада Самарқанд вилояти бўйича 30-йилларда деҳқонларнинг қатағон қилиниши ҳақида ҳалигача эълон қилинмаган, махфий архивларда сақланаётган ҳужжатлар асосида айрим маълумотлар келтирилади.

Р.Шамсутдинов *– АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори;*
Э.Холмирзаев *– шу кафедра ўқитувчиси.*

ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январда қабул қилинган **“Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш бўйича тадбирлар тўғрисида”**ги махфий қарорида қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, ерни ижарага бериш бекор қилинди, қулоқларнинг ишлаб чиқариш воситалари, чорваси, хўжалик ва турар жой бинолари, қайта ишлаш корхоналари, озуқа ва уруғлик заҳираларини мусодара қилиш қатъиян белгилаб берилди. Қарорда совет ҳокимиятига фаол қаршилик кўрсатаётган, бадавлат, қулоқлар ва ярим помешчиклар, улардан ташқари бошқа тоифадаги қулоқларни қатағон қилиш белгилаб берилди.[4.126-130] Биринчи ва иккинчи тоифадаги қулоқларни қатағон этиш ОГПУ зиммасига юклатилди. 1930 йил 2 февралда ОГПУнинг **“Қулоқларни синф сифатида тугатиш тўғрисида”**ги 44/24 сонли буйруғида қулоқлар хўжаликни социалистик реконструкция қилиш бўйича партия ва ҳукуматнинг тадбирларига қарши энг ашаддий куч сифатида тавсифланган. Шу боис бутун зарбани қулоқларга қаратиш зарурлиги, бунда уларнинг мол-мулки, турар жойи, от-уловини мусодара қилиш, ўзларига нисбатан эса отув, қамоқ, сургун жазосини қўллаш белгиланган [2.94-99].

Шуни таъкидлаш лозимки, жойларда мазкур директив кўрсатмалардан олдинроқ коллективлаштириш ниқобида қулоқларга қарши кураш кескин тус олган, коллективлаштиришдан кўра қулоқларни тугатиш, уларни қатағон қилиш бирин-

чи ўринга қўйилган эди. Шу боис ҳам, И.В.Сталин барча партия ташкилотларига коллективлаштириш зарарига қулоқлаштириш кучайиб бораётгани хавфи тўғрисида директива йўллаган. Унда коллективлаштириш ишини ташлаб, асосий кучни қулоқлаштиришга қаратилаётгани мутлақо нотўғри экани, коллективлаштириш колхозчилик ҳаракатидан ташқарида бўлмаслиги, асосий оғирлик маркази камбағал ва ўртаҳолларнинг оммавий ҳаракатига асосланган янги колхозлар қурилишига тушиши кераклигини талаб қилган. Сталин ва Молотов ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси секретари И.А.Зеленскийга "Ўрта Осиёда коллективлаштириш суръатини асоссиз тезлаштирилаётгани тўғрисида" телеграмма йўллаганлар. Унда Ўрта Осиёда коллективлаштиришни тез суръатларда амалга оширмаслик, минтақанинг ўзига хос шарт-шароитларини қунт билан ўрганиш, коллективлаштириш ишига оммани жалб қилишга эътибор қаратиш кераклиги қатъиян талаб этилган [4.131]. Марказнинг бу кўрсатмасига аввалида маълум маънода амал қилинди. Бироқ вақт ўтиши билан ўша директива амалда бажарилмай, жойларда коллективлаштиришдан кўра қулоққа тортиш кампаниясига асосий эътибор берилди. 1930 йил 27 февралда Москвага юборилган тезкор маълумотда Ўзбекистонда коллективлаштиришда ҳаддан ошиш, бузилишлар оммавий тус олаётгани, партия йўлини оммавий бузиш Фарғона, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё округларида юз бераётгани қайд этилган. Самарқанд округи Митан районида колхозлар тузишда тушунтириш ишлари рус тилида олиб борилгани, колхозга кирувчилар рўйхати уларнинг иштирокисиз, розилигисиз тузилгани, Пасдарғом районида колхоз тўғрисида тушунтириш беришни талаб қилиб чиққан ўртаҳол деҳқонлар қамоққа олинган [3]. Митан районида ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар рўйхати юзаки тузилган, битта мажлисда 290 кишининг иши кўриб чиқилган, ҳеч қандай сабаблар кўрсатилмаган ҳолда қарорлар қабул қилинган. Оқибатда кўплаб деҳқонлар асоссиз равишда сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, қулоққа тортилган, уларга нисбатан отув, концлагер қамоғи, узоқ бегона юртларга сургун қилиш каби ўта даҳшатли жазо чоралари кўрилган.

Бутун қулоқлаштириш жараёни ОГПУ органлари томонидан амалга оширилган. Самарқанд вилоятида ҳам колхозлар тузиш баҳонасида миришкор деҳқонлар, хатто уларнинг ўртаҳол ва камбағалларини ҳам, зиёлиларни ҳам қуллоққа тортилган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг 1930 йил 17 декабрдаги йиғилишида ОГПУнинг Самарқанд оператив сектори тақдимига асосланиб қуйидагилар 5 йил муддатга концлагерга ҳукм қилинган: **Парда Иброҳимов -** 54 ёшда, ўзбек, савдогар; **Санақул Бойзақов** - ўзбек, имом, ҳақсиз; **Очил Рустамов** - 30 ёшда, ўзбек, бой; **Бобо Қорақулов** - 30 ёшда, ўзбек. Шу йиғилишда 3 йил муддат билан қамоқ жазосига: **Абдурашид Мўминов** - 51 ёшда, ўзбек, бой, ҳақсиз; **Мурод Жўраев** - 47 ёшда, ўзбек, бой, савдогар; **Абулқосим Маҳмудов** - 58 ёшда, ўзбек, бой – ҳукм этилганлар.

6289/3009-сонли иш бўйича Самарқанд оператив сектори тақдимига кўра Самарқанд маҳбуслар уйида ҳибсда турган **Тошмурод Аҳмедов** - 54 ёшда, ўзбек, бой; **Ўроқ Абдулқосимов** - 59 ёшда, ўзбек, бой: **Ҳамро Эшматов** - 68 ёшда, ўзбек, бой: **Эгамберди Муродов** - 34 ёшда, ўзбек, бой; **Қарши Муҳаммадюсупов** - 31 ёшда, ўзбек, бой: **Ёқубкал Саидов** - 54 ёшда, ўзбек, бой; **Қори Абдусалом Мулла Усмонов** - 42 ёшда, ўзбек, бой; **Ўроқ Бўриев** - 43 ёшда, ўзбек, бой; **Турсунқул Худойбердиев** - 27 ёшда, ўзбек, бой; **Қоракўл Исҳоқов** - 48 ёшда, ўзбек, бой - ҳаммалари 3 йил муддат билан Ўрта Осиёда яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳукм этилган.

Самарқанд турмасида сақланаётган **Султон Жиянов** - 75 ёшда, ўзбек, ўртаҳол; **Мустафақул Ҳожимуродов** - 75 ёшда, ўзбек, волость бошқарувчиси – булар пахта топширмагани учун ишини судга ошириб, яшаш жойидан чиқмаслик ҳақида тилхат олиш шарти билан қамоқдан озод қилинган.

ОГПУ Самарқанд тезкор сектори бошлиғи Шевченко ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги "учлик"ка йўллаган 4855-сонли иш бўйича ЎзССР Жиноят Кодекси 66- ва 64-моддалари билан айбланган Катта Араб қишлоғидан **Бўрон Алимов**, Лаблохур қишлоғидан **Ҳамдам Ҳамраев,** Ашадарё қишлоғидан **Умар Турдиев**, Саройқўрғон қишлоғидан **Соломан Тоиров**, Кўпли қишлоғидан **Зубайдулла Раимов**, Катта Араб қишлоғидан **Рауф Бобоев**, Бобоназар қишлоғидан **Ўрин Эгамбердиев**лар 1932 йил 14 июлда Самарқанддаги 1-сон меҳнат тузатув бошқармаси қамоқхонасига олингани қайд қилинган. Бу маҳбусларнинг барчаси аслида қулоқ эмас, ўртаҳол деҳқон эди. Шундай бўлишига қарамай, уларнинг барча мулклари мусодара этилиб, ўзларига қамоқ жазоси берилган. Масалан, Бўрон Алимов – 35 ёшда, ўзбек, оилали, саводли, собиқ партия аъзоси; колхозга кириш олдида 2 таноб суғорма, 10 таноб лалмикор ери, 1 уйи, 2 та оти, 1 та буқаси, 1 та моли, 65 та қўйи бўлган, ёлланма меҳнатдан фойдаланган. Терговда у ёт унсур, ишончсиз кишилардан гуруҳ тузишда иштирок этган, колхозлар-

да бузғунчилик иши олиб борган, деҳқонларни қулоққа тортилишидан яширган, камбағалларни бу ҳақда оғиз очмасликка мажбур этган, колхозларни бузишда қатнашган, колхозга 100 та камбағални қабул қилишдан кўра бойлардан 10 тасини қабул қилиш абзал деганликда айбланган. Бўрон Алимов шу "гуноҳ"лари учун 10 йил муддатга концентрацион лагер қамоғига ҳукм этилган. Қолган 5 маҳбусга ҳам юқоридаги каби айблар қўйилиб, 5 йилдан қамоқ жазоси берилган.

Пойариқ район милициясида 1932 йил 28 декабридан ҳибсда сақланаётган Чектекин қишлоқ советидан **Қўчқор Қодиров** 5 йил қамоқ жазосига, Арчи қишлоғидан, Оқтепа колхози аъзоси **Тўроб Ҳасанов** белгиланган 12 ҳудудда яшамаслик шарти билан 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Қорадарё райони Катта Қанғли қишлоқ совети Уйғонди қишлоғидан **Раҳматулла Худойбердиев** (36 ёшда, қулоқ, 40 таноб ери, 2 та моли, 3 та оти, 4 та буқаси, 15 та қўйи бўлган) 1921 йилдан "Миллий иттиҳод" аъзоси, босмачиликни ташкил қилишда иштирок этган, 1929 йили Яман Қанғли қишлоғида "Миллий иттиҳод" ташкилотини қайтадан тиклаш ташаббускори бўлган каби айблар қўйилиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Сарбозор қишлоқ совети Қирқйигит қишлоғидан **Зикр Шукуров** - 37 ёшда, ўзбек, қулоқ, 45 таноб ери, 2 та буқаси, 2 та моли борлиги учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Катта Қанғли қишлоқ совети Уйғонди қишлоғидан **Вали Рустамов (**45 ёшда), шу қишлоқ совети Қорачувал қишлоғидан **Мурод Йўлдошев (**27 ёшда), Оқдарё райони Сафохожа қишлоғидан **Асомиддин Шукуров (**40 ёшда)лар 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Қорадарё райони Пайшанби қишлоғидан **Хол Абдураҳмонов (**56 ёшда), **Сайфулла Убайдуллаев, Раим Қурбонов, Қурбон Зикрияев, Пўлат Очилов, Маҳкам Ҳамраев, Жума Ҳидиров, Тўхтамурод Нуруллоев**лар 10 йилдан қамоқ жазосига, шу қишлоқдан **Қурбон Шаропов, Хамрақул Баракаев, Ҳосил Ёқубов, Сафо Рўзимуродов, Ҳикмат Розиқов, Ҳамид Пўлатов, Аҳмад Жалилов, Рўзи Йўлдашев, Тошниёз Раҳимов, Асқар Худойбердиев, Азизов Саъдулла, Нурулло Музаффаров, Маҳмуд Халилов, Ражаббой Ҳайдаров**лар 5 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Қаршимизда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги ваколатхонаси ҳузуридаги учликнинг 1933 йил 10 апрелдаги 30-сонли кенгаш баённомаси. Раис Л.Б.Залин, аъзолари – Амелин, Загвоздин, прокурор Вальтер, Арандт котиблигида 101 та иш кўриб чиқилиб, 125 киши устидан ҳукм чиқарилган.

10 йил муддатга концентрацион лагерда қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилинганлар: **Пармон Жабборов -** 40 ёшда, ўзбек, қулоқ, ҳуқуқдан маҳрум этилган (ҳақсиз), собиқ колхоз аъзоси, Нарпай райони Тўхтаобод қишлоғидан; **Даврон Сувонов -** 32 ёшда, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз, собиқ колхоз аъзоси, Нарпай райони Қувондиқ қишлоғидан, ЎзССР Жиноят Кодексининг (ЖК) 66-моддаси* билан айбланган. Ҳар икки маҳбус 1933 йил 27 февралдан ГПУ Нарпай район бўлими сиёсий маҳбуслар уйида ҳибсда бўлган.

ОГПУ махфий оператив бўлими тақдим этган 461/2398-сонли иш бўйича Самарқанд области Оқдарё райони Қанғли қишлоғидан ЖК 66-, 166- ва 70-моддалари билан 5 маҳбус: **Мамаражаб Холиқов -** 1905 йил туғилган, ўзбек, савдогар, ҳақсиз; **Турсунбой Қодиров -** 1900 йил туғилган, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз, собиқ колхоз аъзоси; **Эшонқул Мамарасулов -** 1897 йил туғилган, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз; **Қилич Пармонов -** 1897 йил туғилган, ўзбек, собиқ руҳоний, колхоз котиби; **Исмоил Каримов -** 1898 йил туғилган, ўзбек, қулоқнинг ўғли, колхоз аъзоси – булар Оқдарё район милицияси сиёсий маҳбуслар уйида сақланган.

860/2384-сонли иш бўйича **Бекназар Аланов** – 23 ёшда, ўзбек, қулоқ, Нарпай райони Уйғур-Ҳайрат қишлоғидан, ЖК 66-моддаси билан айбланган, 1933 йил 23 февралдан ГПУ Нарпай район бўлими сиёсий маҳбуслар уйида ҳибсда сақланган.

8 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар: **Мулла Султон Файзиев -** 40 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, Қорадарё райони Баланди Хўжа қишлоғидан, ЖК 66- ва 175-моддалари билан айбланган, Қорадарё маҳбуслар уйида сақланган; 897/2394 иш бўйича **Норйигит Дониёров** - 39 ёшда, ўзбек, имом, Митан райони Юқори Сарой қишлоғидан, ЖК 66-моддаси билан айбланган; 911/2387 иш бўйича **Расул Эшмаматов -** 1894 йил туғилган, ўзбек, қулоқ, Оқдарё райони Бадай қишлоғидан.

5 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар: **Хурсанд Жиянов** - 36 ёшда, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз, Сариқкўл қишлоқ совети Имомтепа қишлоғидан; **Нор Ғаниев** - 47 ёшда, ўзбек, қулоқ, савдогар, собиқ колхоз аъзоси, Нарпай райони Янгиқўрғон қишлоғидан, ГПУ сиёсий маҳбуслар уйида ҳибсда сақланган; **Хабибуллахон Нарзуллахонов** - 1900 йил туғилган, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз, Булунғур райони Қозон қишлоғидан; **Алим Аминов** - 29 ёшда, ўзбек, қулоқ, Каттақўрғон райони Миллихожа қишлоғидан; **Ҳамид Ҳақбердиев** - 33 ёшда, ўзбек, савдогар, Хатирчи район Юз қишлоғидан; **Мулла Содиқ Ҳаққулов** - 45 ёшда, ўзбек, қулоқ, Нарпай райони Мисит қишлоғидан; **Мулла Қарши Пардаев -** 45 ёшда, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз,

Митан райони Кичик Турсун қишлоғидан; **Очил Ғаффоров** - 25 ёшда, ўзбек, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, Нарпай райони Қорақалпоқ қишлоқ совети Тоғай қишлоғидан; **Эшмон Ҳакимов -** 35 ёшда, ўзбек, қулоқ, савдогар, Нарпай райони Пўлатчи қишлоғидан; **Нарзиқул Тўлабоев -** 32 ёшда, ўзбек, қулоқ, савдогар, собиқ колхоз аъзоси, Самарқанд райони Жумабозор қишлоғидан; **Мусулмон Шеров -** 37 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, собиқ колхоз аъзоси, Самарқанд райони Яланғоч қишлоғидан; **Шернур Муҳаммадиев** - 50 ёшда, ўзбек, қулоқ, имом, Самарқанд райони Сачакболо қишлоғидан; **Худойберди Эрназаров** - 45 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, Самарқанд райони Элпак қишлоғидан; **Душан Ражабов** - 50 ёшда, ўзбек, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, Самарқанд райони Ғаллаботир қишлоғидан; **Шодиёр Аблақулов** - 24 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, собиқ колхоз аъзоси, Элпак қишлоқ совети Бутбой қишлоғидан; **Ориф Мўминов -** 40 ёшда, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз, собиқ колхоз аъзоси, Қорадарё райони Гўзарон қишлоғидан; **Мурдин Мустафоев -** 24 ёшда, ўзбек, қулоқнинг ўғли, Элпак қишлоқ совети Жалойир қишлоғидан; **Пўлат Мусаев** - 43 ёшда, ўзбек, қулоқ, имом, собиқ колхоз аъзоси, Пойариқ райони Қозоқхожа қишлоғидан; **Худайқул Абдураимов** - 33 ёшда, ўзбек, қулоқ, Самарқанд райони Думабозор қишлоғидан; **Норбобо Оллаёров** - 42 ёшда, ўзбек, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, Нарпай райони Пўлатчи қишлоғидан; **Эшонқул Ибрагимов** - 1893 йилда туғилган, ўзбек, қулоқ, Икромов райони Давкаш қишлоғидан; **Тошқора Суяров** - 35 ёшда, ўзбек, савдогар, Қорақалпоқ қишлоқ совети Оқтепа қишлоғидан, Нарпай райони сиёсий маҳбуслар уйида сақланган; **Эшонқул Шомирзаев** - 50 ёшда, ўзбек, қулоқ, Булунғур райони Қозоқ қишлоғидан, Булунғур райони сиёсий маҳбуслар уйида сақланган; **Улуғ Неъматов -** 27 ёшда, ўзбек, Нарпай райони Султонобод қишлоғидан; **Аҳмад Юлдашев** - 1900 йилда туғилган, ўзбек, Булунғур райони Чортоқ қишлоғидан; **Фармон Қурбонов** - 50 ёшда, ўзбек, қулоқ, Нарпай райони Қурбонқул қишлоғидан; **Ҳабибулла Ихтиёров** - 32 ёшда, ўзбек, қулоқ, имом, Нарпай райони Каларис қишлоғидан; **Абдурауф Қурбонов** - 27 ёшда, ўзбек, савдогар, қулоқ, Оқдарё райони Катта Суганчи қишлоғидан; **Қувондиқ Жўраев** - 50 ёшда, ўзбек, савдогар, қулоқ, Оқдарё райони Катта Суганчи қишлоғидан; **Турсунқул Абдумўминов** - 44 ёш, ўзбек, қулоқ, Оқдарё райони Катта Суганчи қишлоғидан; **Бобоқул Рўзимуродов** - 38 ёшда, ўзбек, Хатирчи райони Кадан қишлоғидан; **Умар Дўстов** - 48 ёшда, ўзбек, савдогар, қулоқ, Оқдарё райони Азизхўжа қишлоғидан; **Норбўта Шербоев** - 35 ёшда, ўзбек, қулоқ, Ургут райони Куй қишлоғидан; **Шариф Қаюмов** - 28 ёшда, ўзбек, савдогар, Хатирчи райони, Бургурдоқ қишлоғидан; **Болта Хотамов** - 29 ёш, ўзбек, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, Нарпай райони Гажан қишлоғидан; **Тошпўлат Алоуддинов** - 27 ёшда, ўзбек, Қорадарё райони Оққўрғон қишлоғидан; **Завхутдин Алоуддинов** - 35 ёшда, ўзбек, собиқ колхоз аъзоси, Қорадарё райони Оққўрғон қишлоғидан; **Исмоил Жабборов** - 45 ёшда, ўзбек, савдогар, собиқ колхоз аъзоси, Икромов райони Тоғбой қишлоғидан; **Ҳайдарқул Ҳидиров** - 45 ёшда, ўзбек, савдогар, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, Пайариқ райони Бешбеги қишлоғидан; **Қурдош Аҳмедов** - 45 ёшда, ўзбек, қулоқ, Митан райони Жумабозор қишлоғидан; **Бақара Санақулов** - 26 ёшда, ўзбек, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, Қорадарё райони Гузар қишлоғидан; **Болта Қандахоров** - 32 ёшда, ўзбек, озод қулоқ, Митан райони Фиғилмонқул қишлоғидан; **Эшқувват Қурбонов** - 28 ёшда, ўзбек, Тошариқ қишлоқ совети Чандир қишлоғидан; **Ҳусан Ашуров** - 30 ёшда, қулоқ, Митан райони Пичат қишлоғидан; **Мулла Қарши Маҳмудов** - 1907 йилда туғилган, ўзбек, қулоқ, Булунғур райони Хурма қишлоғидан; **Набиэшонхон Сарваров** - 50 ёшда, ўзбек, қулоқ, Булунғур райони Хурма қишлоғидан; **Исмоил Иброҳимов** - 1900 йилда туғилган, ўзбек, қулоқ, Булунғур райони Хурма қишлоғидан.

3 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар: **Файзулла Содиқов** - 70 ёшда, ўзбек, қулоқ, Самарқанд райони Сачакбола қишлоғидан; **Ҳожибек Холбеков** - 27 ёшда, ўзбек, Митан райони Тегирмонқул қишлоғидан; **Фармон Каримов** - 23 ёшда, ўзбек, савдогар, қулоқ, Хатирчи райони Полвонота қишлоғидан; **Эсон Намозов** - 32 ёшда, ўзбек, қулоқ, Каттақўрғон райони Муллахўжа қишлоғидан; **Ҳақберди Йўлдошев** - 74 ёшда, ўзбек, савдогар, Хатирчи райони Юз қишлоғидан; **Эргаш Ёркулов** - 1907 йилда туғилган, ўзбек, Каттақўрғон райони Гердиқўрғон (Бердиқўрғон) қишлоғидан; **Манзара Турдиқулова** - 1907 йилда туғилган, ўзбек, Каттақўрғон райони, Бердиқўрғон қишлоғидан; **Парда Ёркулов** - 1898 йилда туғилган, ўзбек, ўртаҳол, Каттақўрғон райони Бердиқўрғон қишлоғидан; **Бегимқул Султонов** - 1914 йил туғилган, ўзбек, қулоқ ўғли, Каттақўрғон райони Тегирмонбоши қишлоғидан; **Хотам(Ҳамдам) Аҳмедов** - 1907 йилда туғилган, ўзбек, ўртаҳол, Икромов райони Исабой қишлоғидан; **Ражаб Раҳмонов** - 1900 йилда туғилган, ўзбек, босмачи, Икромов райони Исабой қишлоғидан; **Қози Холиқов** - 1904 йилда туғилган, ўзбек, Икромов райони Жайра қишлоғидан; **Даврон Темуров** - 45 ёшда, ўзбек, савдогар, собиқ колхоз аъзоси, Хатирчи райони Учтепа қишлоғидан, 1933 йил 1

мартдан Бошқирдистонга 3 йил муддат билан сургунга ҳукм этилган; **Уммат Нурбоева** - 26 ёшда, ўзбек, Нарпай райони Тогусгул қишлоғидан; **Мушарой Мурзанова** - 35 ёшда, ўзбек, Нарпай райони Мирзабоча қишлоғидан; **Мўмина Қодирова** - 21 ёшда, ўзбек, Мирбозор қишлоғидан; **Холиқ Раҳмонов** - 46 ёшда, ўзбек, қулоқ, Султонобод райони Бандажар қишлоғидан; **Қиём Умиров -** 44 ёшда, ўзбек, қулоқ, Нарпай райони Кулбоқ қишлоқ советидан; **Зикриё Абдушукуров** - 50 ёшда, ўзбек, Пойариқ райони Шалақарға қишлоғидан; **Нозим Бобоев** - 34 ёшда, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз, Нарпай райони Кутат қишлоғидан; **Жўра Каттабоев** - 66 ёшда, ўзбек, савдогар, Қорадарё сиёсий маҳбуслар уйида сақланган; **Холбўсин Иброҳимова** - 41 ёшда, ўзбек, Нарпай район милицияси сиёсий маҳбуслар уйида сақлаб турилган; **Санақул Сатдинов** - 60 ёшда, ўзбек, савдогар, қулоқ, Нарпай райони Сари қишлоғидан, 3 йил муддат билан Хўжандга сургун қилинган, муддати 1933 йил 28 февралдан бошланган; **Ҳуррам Исломқулов** - 33 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, Самарқанд райони Гутвой қишлоғидан; **Исломқул Эшматов** - 55 ёшда, ўзбек, Самарқанд райони Гутвой қишлоғидан; **Мардон Камолов** - 25 ёшда, ўзбек, қулоқ, Самарқанд райони Мирохури қишлоғидан; **Очилди Ҳошимов** - 68 ёшда, ўзбек, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, ҳақсиз, Илпак қишлоқ совети Бачки қишлоғидан; **Эшонқул Бекназаров** - 22 ёшда, ўзбек, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, Самарқанд райони Наузандак қишлоғидан; **Наврўз Рўзиев** - 64 ёшда, ўзбек, дин уламоси, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, Самарқанд райони Жумабозор қишлоғидан, Туркманистон ССР ГПУси орқали Дарғонота районига 3 йил муддатга сургун қилинган; **Абдураҳим Холбоев** - 36 ёшда, ўзбек, қулоқ, Самарқанд шаҳридан; **Шунқор Юсупов** - 68 ёшда, ўзбек, қулоқ, Пойариқ райони Болғали қишлоғидан; **Исмат Воитов** - 36 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, Нарпай райони Қолали қишлоғидан; **Санам Бобоёрова** - 35 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, Нарпай райони Аравот қишлоғидан; **Тошниёз Хўжақулова** - 42 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, Қуйибоғ қишлоқ совети, Киштали қишлоғидан; **Жўра Раҳмонов** - 32 ёшда, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз, Нарпай райони Сагдав қишлоғидан; **Раҳима Хўжаёрова** - 23 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, Нарпай райони Чакар қишлоғидан; **Мамарасул Худоёров** - 25 ёшда, ўзбек, савдогар, қулоқ, ҳақсиз, Нарпай райони Улма қишлоғидан; **Қарши Раҳматуллаев** - 1906 йилда туғилган, ўзбек, қулоқ, ҳақсиз, Оқдарё райони Мирзакўл қишлоғидан, Қирғизистон ГПУси орқали Фрунзе шаҳрига 1933 йил 25 мартдан 3 йил муддатга сургунга ҳукм этилган; **Қудрат Равшанов** - 23 ёшда, ўзбек, ҳақсиз, Оқдарё райони Катта Суянчи қишлоғидан; **Жаббор Соатов** - 60 ёшда, савдогар, қулоқ, ҳақсиз, Нарпай райони Оқтепа қишлоғидан, ОГПУ махсус посёлкалар бўлими орқали Хўжанд шаҳрига 1933 йил 27 февралдан 3 йил муддатга сургунга ҳукм этилган; **Мирза Жабборов** - 26 ёшда, ўзбек, қулоқ ўғли, Самарқанд райони Ўрта қишлоғидан; **Бердимурод Ўринов** - 30 ёшда, ўзбек, қулоқ, Самарқанд райони Тайлоқота қишлоғидан; **Қўлдой Эргашев** - 58 ёшда, ўзбек, қулоқ, собиқ колхоз аъзоси, Пойариқ райони Шўртепа қишлоғидан, Қирғизистон ГПУси орқали Фрунзе шаҳрига 1933 йил 7 мартдан 3 йил муддатга сургун қилинган; **Ўсар Примқулов** - 37 ёшда, ўзбек, қулоқ ўғли, Самарқанд райони Ўрта қишлоғидан; **Олим Жуманов** - 22 ёшда, ўзбек, қулоқ ўғли, Самарқанд райони Ўрта қишлоғидан; **Аллам Эшмуродов** - 63 ёшда, ўзбек, қулоқ, Уйғурхайрап қишлоқ совети Дам қишлоғидан, Қирғизистон АССР ГПУ орқали 1933 йил 27 февралидан Фрунзе шаҳрига 3 йил муддатга сургун қилинган; **Адаменко Сергей Дмитрович** - 28 ёшда, рус, қулоқ ўғли, Надержинский посёлкасидан, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги махсус учлик томонидан 1933 йил 1 августдан аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида 3 йилга ҳукм этилган, жазони Ўрта Осиё лагерида ўтаган. Муддат тугаши билан Қозоғистонга 3 йил муддатга сургунга ҳукм этилган; **Авазжон Ҳожиматов** - 52 ёшда, ўзбек, қулоқ, Хўжайли райони №3 овулидан, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги махсус учлик 1931 йил 11 ноябрда 3 йил муддат билан концлагерга ҳукм қилган, жазони Ўрта Осиё лагерида ўтаётганда, муддат тугаши билан ОГПУ доимий вакиллиги орқали 3 йил муддат билан Ғарбий Сибирь ўлкасига сургунга ҳукм этилган.

1934 йил 14 мартда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик Нарпай аксилинқилобий ташкилоти раҳбарларини айблаш бўйича 6266-сон ишни кўриб чиқиб, ҳукм қилди: **Мардон Раимқулов** - 1906 йилда туғилган, ўзбек, хизматчи, собиқ компартия аъзоси - 5 йил муддатга; **Умрзоқ Хушмонов** - 1899 йилда туғилган, ўзбек, имом, қулоқнинг ўғли, компартиядан чиқарилган – 5 йил муддатга, **Шомурод Мавлонов –** 1900 йилда туғилган, ўзбек, қулоқ ўғли, собиқ компартия аъзоси – 5 йил муддатга меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм этилган, жазони ўташ 1933 йил 11 ноябридан ҳисобланган. **Махсум Ашуров** - 1906 йилда туғилган, ўзбек, собиқ компартия аъзоси, Ўзбекистон давлат университети талабаси – 3 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1933 йил 13 ноябрдан бошланган. **Ўсар Жумаев** - 27 ёшда, ўзбек, қулоқ, Икромов райони Бойбача қишлоғидан **–** 3 йил муддатга

концлагерга ҳукм этилган, жазони ўташи 1932 йил 26 декабрдан бошланган. **Эргаш Ёрқулов** - 1906 йилда туғилган, ўзбек, собиқ компартия аъзоси, хизматчи, қулоқ ўғли, ҳибсдан озод этилган.

"Учлик"нинг 1934 йил 29 мартдаги йиғилишида Самарқанд вилоятидан 431-сонли иш бўйича 40 нафар маҳбус устидан ҳукм чиқарилган. Улардан **Назрулла махсум Абдуллаев** – 39 ёшда, ўзбек, қулоқ, ўтмишда мулла, Митан райони Ки-ким қишлоғидан; **Муртазо Жонибеков** - 39 ёшда, ўзбек, қулоқ, Митан райони Қамар қишлоғидан; **Тўрақул Йўлдошев** - 33 ёшда, ўзбек, қулоқ, Бағрин қишлоғидан; **Нурмон Қорабоев** - 1906 йилда туғилган, ўзбек хизматчи; **Мулла Мурод Расулов** - 40 ёшда, ўзбек, қулоқ, Қамар қишлоғидан; **Дўстмурод Турсунов** - 26 ёшда, ўзбек, Қамар қишлоғидан – булар ҳаммаси 10 йил муддат билан, **Тўғон Наврўзов -** 31 ёшда, ўзбек, қулоқ, Митан райони Шоназар қишлоғидан - 8 йил муддат билан қамоққа ҳукм этилган.

Қобул Норматов - 33 ёшда, ўзбек, қулоқ, Ўрта Турсун қишлоғидан; **Қилич Ботиров** - 37 ёшда, ўзбек, савдогар, Субут қишлоғидан; **Норқул Рустамов** - 23 ёшда, ўзбек, қулоқнинг ўғли, Қамар қишлоғидан; **Мирза Сойибов** - 37 ёшда, ўзбек, қулоқ, Жумабозор қишлоғидан; **Мирза Отақул Нормуҳаммедов** - 49 ёшда, ўзбек, қулоқ, Кўл қишлоғидан; **Йўлдош Бойбўсунов** - 35 ёшда, ўзбек, қулоқ, Туёқли Баҳрин қишлоғидан; **Эгамқул Абдужабборов** - 38 ёшда, ўзбек, қулоқ, Бойтуба қишлоғидан; **Бекпўлат Холмонов** - 25 ёшда, ўзбек, бой, Ҳасанбобо қишлоғидан; **Абдураззоқ Каримов** - 30 ёшда, ўзбек, қулоқ, Қорақалпоқ қишлоғидан; **Абдулла махсум Салимов** - 35 ёшда, ўзбек, қулоқ, Каттақўрғон шаҳридан; **Нурмуҳаммад Холмонов** - 43 ёшда, ўзбек, Каттақўрғон райони Бобоназар қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар "Зарафшон" колхози раиси; **Худойназар Бегматов** - 37 ёшда, ўзбек, қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз котиби; **Нормуҳаммад махсум Сафаров** - 35 ёшда, ўзбек, қулоқ, Ки-ким қишлоғидан; **Наврўзмуҳаммад Сафаров** - 29 ёшда, ўзбек, қулоқ, Митан райони Тўқсон қишлоғидан; **Хотам Исломов** - 33 ёшда, ўзбек, қулоқ, Ки-Ким қишлоғидан; **Абулқосим Эргашев** - 39 ёшда, ўзбек, қулоқ, Митан райони Баҳрин қишлоғидан; **Бекмурод Эшқобилов** - 21 ёшда, ўзбек, қулоқ, Каттақўрғон райони Равот қишлоғидан; **Рўзи Ёрматов** - 38 ёшда, ўзбек, хизматчи, Каттақўрғон райони Бобоназар қишлоғидан; **Мулла Турсун Абдуғаффоров** - 48 ёшда, ўзбек, савдогар, Каттақўрғон райони Ёрмат қишлоғидан; **Ҳикматилло Аминов** - 1900 йили туғилган, ўзбек, хизматчи; **Мирза Юсуф Аминов** - 50 ёшда, ўзбек, Каттақўрғон шаҳридан, руҳоний, ҳақсиз; **Саидқулбойбачча Рўзимуродов** - 45 ёшда, ўзбек, собиқ савдогар, ҳибсга олингунга қадар Артель мудири, Каттақўрғон қишлоғидан; **Тўра Остонов** - 27 ёшда, ўзбек, савдогар, Беҳбудий шаҳридан; **Иннад Муродов** унинг ўзи **Вали Латипов** - 28 ёшда, Каттақўрғон шаҳридан, ўзбек; **Ҳаким Шарипов**, лақаби "Ҳалвогар" – 37 ёшда, ўзбек, савдогар, Беҳбудий шаҳридан – булар бари 5 йил муддат билан қамоққа ҳукм этилган.

Маҳбуслардан **Абдусамад Исмоилов** (57 ёшда, ўзбек, қулоқ, Митан райони Чиғатой қишлоғидан), **Эшқобил Янгибоев** (55 ёшда, ўзбек, қулоқ, Митан райони Работ қишлоғидан)лар Ўрта Чирчиқ районига 3 йил муддат билан сургунга ҳукм этилган.

Маҳбуслар **Ашур Турдиев**, **Эрмуҳаммад Эрназаров**, **Мулла Мардон Камолов**лар ҳибсга олинган кундан бери қамоқда бўлгани эътиборга олиниб, қамоқдан озод қилишга ҳукм этилди. Маҳбусларга қарашли 6 та ов милтиғи конфискация қилинди.

Биз ноҳақдан қулоққа тортилган самарқандлик юртдошлардан айримлари ҳақидагина маълумот келтирдик, холос. Аслида бу 1929-1934 йилларда Самарқанд вилояти бўйича қатағон қилинган "қулоқ"ларнинг умумий сонига нисбатан денгиздан томчи. Улар ҳақида келгусида сўз юритишни ният қилиб қоламиз.

Адабиётлар:

1. Халқ сўзи.- 2015.- 13 январь
2. История Сталинского ГУЛАГА. Конец 1930-х-первая половина 1950-х годов Том. 1. Массовые репрессии в СССР.- М.: РОССПЭН. 2004.
3. РИСТТДА (Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тарихи давлат архиви) 62-фонд, 2-рўйхат, 2140-иш, 87-88 варақлар.
4. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5-ти томах. 1927-1939. Том 2.- М.: РОССПЭН, 2000.

2015 йил 5 январда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)